

Бир биродарим чидай олмасдан азл қияпти.

16:10 / 27.04.2016 5522

Бир биродарим чидай олмасдан азл қияпти. Гуноҳлигини билиб туриб, нафсининг кўйига кириб, қилиб қўйяпти. Аҳмад ибн Ҳанбал: Агар зино қилиб қўйишдан қўрқса, унда азл қилиш мумкин деб айтган эканлар. Лекин макруҳ амални қилган бўлар экан, деб ўқибди. У биродаримиз уйлана олмай юрибдилар. Хатто рўза ҳам тутяптилар, лекин барибир фойдаси бўлмаяпти экан. Уларга қандай насиҳатингиз бор ва нима қилишни тавсия қиласиз? Азл ҳақида ҳам озгина тушунча берсангиз.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Эркак жинсий алоқанинг сўнгида уруғликни ташқарига тўкиши «азл» дейилади.

Менимча. сиз бизнинг адабиётда «истимно», ажнабий адабиётда «онанизм» деб аталадиган ёмон одат ҳақида сўзлаётганга ўхшайсиз. Онанизмнинг хавfli тарафи шаҳватни сунъий тарзда қондиришдадир. Асарларда бу иш қўлини никоҳлаш дейилган ва гуноҳлиги таъкидланган. Ҳозирги тиб илми бу иш билан шуғулланганлар жинсий заиф бўлиб, бу борада яроқсиз бўлиб қолишини исботлаган.

Биродарингиз рўза тутишда давом этиб, уйланиш чорасини ахтарсин. Сизлар у кишига бунда ёрдамчи бўлинглар. Валлоҳу аълам.